

## TARIX FANINI INNOVATSION PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ORQALI O'QITISH

*Teshayev Azizbek To'ynor o'g'li,  
Buxoro davlat universiteti, Arxeologiya va Buxoro tarixi" kafedrasida  
o'qituvchisi.*

*Annotatsiya: Ushbu maqolada tarix fanini o'qitish jarayonida zamonaviy innovatsion pedagogik texnologiya usullarini qo'llash chog'ida fikrlash, tahlil qilish, xulosalash, fikrlarni bayon qilish, turli ko'nikmalarni shakllantirish, va ularni rivojlantirib borish, yangi texnologiyalarni qo'llashning talabalarning dunyoqarashiga tasiri, tarixiy tafakkur va tarixiy tasavvurni modellashtirish, unda pedagogning o'rni, mavzularni o'zlashtirishni oson va samarali tashkil etishda yordam beruvchi texnologiyalar haqida so'z yuritiladi.*

*Kalit so'zlar: tarix, innovatsiya, texnologiya, talim jarayoni, pedagogik texnologiya, Tarixni o'qitish metodikasi, o'qitish vositalari, pedagoglarning ko'nikmalari, interfaol uslublar.*

## ПРЕПОДАВАНИЕ ИСТОРИИ С ПОМОЩЬЮ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ

*Teshayev Azizbek To'ynor o'g'li,  
Buxarский государственный университет, преподаватель кафедры  
«Археология и история Бухары»*

*Аннотация: В данной статье при использовании методов современных инновационных педагогических технологий в процессе обучения истории, мышления, анализа, умозаключения, выражения мнений, формирования различных умений и развития их, применения новых технологий на мировоззрение учащихся воздействуют, моделируя исторического мышления и исторического воображения, рассказывает о роли педагога, о технологиях, помогающих в легкой и эффективной организации освоения темы.*

*Ключевые слова: история, инновация, технология, образовательный процесс, педагогическая технология, методика преподавания истории, средства обучения, мастерство педагогов, интерактивные методы.*

## TEACHING HISTORY THROUGH INNOVATIVE PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES

*Teshayev Azizbek To'ynor o'g'li,  
Bukhara state university, teacher of the department of «Archeology and History of Bukhara»*

*Abstract: In this article, while using modern innovative pedagogical technology methods in the process of teaching history, thinking, analyzing, concluding, expressing opinions, forming various skills, and developing them, the application of new technologies to the worldview of students influence, modeling of historical thinking and historical imagination, it talks about the role of the pedagogue, the technologies that help in easy and effective organization of mastering the topics.*

*Key words: history, innovation, technology, educational process, pedagogical technology, methodology of teaching history, teaching tools, skills of pedagogues, interactive methods*

**KIRISH.** Bugungi shiddat bilan rivojlanib va o'zgarib borayotgan dunyoda biz bazi bir eski bilimlarni yangilashga yoki ularga bo'lgan qarashlarimizni o'zgartirishga muhtojlik sezmoqdamiz. Xususan, Tarix fanini o'qitishda zamonaviy dunyoda yangi

turfa hil tendensiyalar shakillangan bo'lib, bizdan bu bilimlarni Pedagog sifatida tahlil qilish va yangi Innovatsiyalar olib kirish talab qilinadi. «Innovatsiya» so'zining kelib chiqishi lotinchadan «Novatio» «yangilash», «o'zgartirish» degan ma'noni anglatadi va «in» «yo'nalishda» deb tarjima qilingan. So'zma-so'z «innovatio» - «o'zgarish yo'nalishida». Bundan tashqari, bu shunchaki har qanday yangilik emas, balki uni qo'llashdan keyin faoliyat samaradorligi va sifati sezilarli darajada yaxshilanadi.

Sobiq sovet davrida tarixdan mafkura sifatida foydalanilgan bo'lib, u shunchaki o'tmishning juda jo'n lavhasiga aylanib qolgan. Ya'nikim, tarix shunchaki yillar, joy nomlari, voqealar va shaxslardan iborat ma'lumot omboriga o'xshatilgan mexanik tarzda yondoshilgan va tarixiy tahlil atayin, mafkura tufayli chetlab o'tilgan. Xo'sh, aslida bizga tarixiy tahlil nega kerak va biz buni qanday amalga oshira olamiz?

Tarixiy tahlil o'quvchida tarixiy jarayonlarga holis qarash, ushbu jarayonlarni shakllantirgan omillarni o'rganish va ushbu bilimlarni hayotda qo'llash hamda muammolarga yechim sifatida taklif qilaolish qobiliyatini shakllantiradi.

Shunday ekan, biz bu natijalarga qanday erisha olamiz? Albatta biz bu natijalarga yangi innovatsion texnologiyalar av vositlar orqali samaraliroq erishgan bo'lamiz. Demakki, Innovatsion texnologiya o'qitishning eng samarali yo'llarini izlovchi fan sifatida ham, o'qitishda qo'llaniladigan usullar, prinsiplar va boshqaruvlar sistemasi sifatida ham, o'qitish haqiqiy jarayoni sifatida ham ishtirok etadi.

**ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA.** Tarix fanini innovatsion pedagogik texnologiyalar orqali o'qitish o'rganish juda ham ko'plab ilmiy tahlillar va tadqiqotlar bilan bog'liq.

1. XX asr oxirlaridan bugungi kunga qadar olib borilgan ilmiy izlanishlar va ilmiy tadqiqotlar.

2. Mustaqillik yillarida O'zbekistonda nashr etilgan tadqiqotlar va pedagogik eksperimentlar.

3. Xorijda olib borilayotgan eng so'ngi tadqiqotlar.

Bizga ma'lumki, Innovatsiyalar dolzarb, muhim ahamiyatga ega bo'lib, bir tizimda shakllangan yangicha yondashuvlar. Ular tashabbuslar va yangiliklar asosida tug'ilib, ta'lim mazmunini rivojlantirish uchun istiqbolli bo'ladi, shuningdek, umuman ta'lim tizimi rivojiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Innovatsiya – ma'lum bir faoliyat maydonidagi yoki ishlab chiqarishdagi texnologiya, shakl va metodlar, muammoni yechish uchun yangicha yondashuv yoki yangi texnologik jarayonni qo'llash, oldingidan ancha muvaffaqiyatga erishishga olib kelishi ma'lum bo'lgan oxirgi natijadir [1].

Texnologiya – biror ishda, mahoratda, san'atda qo'llaniladigan usullar, yo'llar yig'indisi. (Izohli lug'at).

Pedagogik texnologiya – o'qituvchi mahoratiga bog'liq bo'lmagan holda pedagogik muvaffaqiyatni kafolatlay oladigan, o'quvchi shaxsini shakllantirish jarayonining loyihasidir [2].

Interfaol (“Inter”- bu o'zaro, ”ast”- harakat qilmoq) – o'zaro harakat qilmoq yoki kim bilandir suhbat, muloqot tartibida bo'lishni anglatadi. Boshqacha so'z bilan aytganda, o'qitishning interfaol uslublari – bilish va kommunikativ faoliyatni tashkil etishning maxsus shakli bo'lib, unda ta'lim oluvchilar bilish jarayoniga jalb qilingan bo'ladi, ular biladigan va o'ylayotgan narsalarni tushunish va fikrlash imkoniyatiga ega bo'ladi. Interfaol darslarda o'qituvchining o'zni qisman o'quvchilarning faoliyatini dars maqsadlariga erishishga yo'naltirishga olib keladi [3]. Pedagog faoliyatining eng salmoqli qismi ayni shu tushuncha bilan bog'liq ekanligi bu tushunchaning muhimlik darajasini belgilab beradi.

**TAHLIL VA NATIJALAR.** Tarix fanini o'qitishda ta'lim texnologiyalarining o'zni beqiyos bo'lib, ushbu yo'nalishda pedagogning novatorligi ayni damda fanning rivojlantiruvchi asosiy omili bo'lib ham hisoblanadi. Metodologiya oqilona va hissiy, faktlar va umumlashmalar, jamoaviy va individual, axborot va muammoli, tushuntirish

va qidiruv usullarini birlashtiradi. O'quv jarayonida o'quvchilar turli tadbirlarga jalb qilinadi[4]. O'qitishda didaktik o'yinlar, munozaralar, shuningdek, tasavvurni, fikrlashni, xotirani, nutqni boyitishga qaratilgan o'qitish usullaridan foydalaniladi. Tarix o'qitishda rivojlantiruvchi ta'lim texnologiyasi izlanish va rivojlanish bilan birga olib borilishi lozim. Dars ta'lim jarayonining asosiy elementi bo'lib qoladi, lekin uning vazifalari, tashkil etish shakli har xil bo'lishi mumkin. Bu vosita va usullardan maqsad shuki, o'quvchi egallashi kerak bilimlarni oson va tez o'zlashtirib olsin. Kvintillianning fikricha: "Bilishga intilish irodaga bog'liq, majburan o'qitish mumkin emas". Demak: 1. Bolada ilmga va o'qishga barcha vositalar bilan zo'r ishtiyoq uyg'otish zarur. 2. O'qitish metodi qiyinchiliklarni bartaraf etishga yordam bersin, toki bolada norozilik tug'dirib, uni o'qishdan bezdirib qo'ymasin" [5].

"Innovatsion ta'lim" tushunchasi birinchi bor 1979 yilda —Rim klubida qo'llanilgan. Ta'lim innovatsiyalari bir necha turga ajratiladi. Ular:

1. Faoliyat yo'nalishiga ko'ra: pedagogik jarayonda yoki ta'lim tizimini boshqarishda qo'llaniladigan innovatsiyalar.

2. Kiritilgan o'zgarishlarning tavsifiga ko'ra: radikal, modifikatsiyalangan hamda kombinatsiyalangan innovatsiyalar.

3. O'zgarishlarning ko'lamiga ko'ra: tarmoq (lokal), modul va tizim innovatsiyalari.

4. Kelib chiqish manbaiga ko'ra: jamoa tomonidan bevosita yaratilgan yoki o'zlashtirilgan innovatsiyalar.

Ma'lumki, har qanday pedagogik va innovatsion texnologiya ta'limni rivojlantiruvchi yangi tamoyillarga asoslangan bo'lib, u o'quvchi-talaba shaxsini shakllantirishga yo'naltirilmog'i kerak. Yangi pedagogik texnologiya markazida ta'lim jarayonining rahbari hamda shu jarayonning sub'ekti va ob'ekti bo'lgan o'qituvchi va o'quvchitalaba turadi. Buning uchun ta'lim jarayoni, o'qituvchi va ta'lim-tarbiya jarayoni oldiga qo'yilgan talablar, ta'limni tashkil etish va boshqarish tamoyillari hamda yo'llari o'quvchi-talabani aqliy va jismoniy jihatdan rivojlantirish usullari, u bilan hamkorlik qilish, uni o'qish va o'rganishga yo'naltirish, o'quvchitalaba shaxsiy faoliyatini to'g'ri tashkil etish, ular bilan muloqotga kirishish, muammo va kelishmovchiliklarni bartaraf etish, auditoriyada ijodiy, ishchanlik muhitini vujudga keltirish, o'quvchi-talaba faoliyatini aniq va to'g'ri baxolash metodlari bilan qurollangan bo'lishi lozim [4].

Tarix o'qitishning innovatsion texnologiyalari darajalari.

"Pedagogik texnologiya" tushunchasi ta'lim amaliyotida uchta tartib bilan bir-biriga bog'liq darajalarda ishlatiladi.

Umumpedagogik (umumdidaktik) daraja: umumpedagogik (umumdidaktik, umumtarbiyaviy) texnologiya ta'limning ma'lum bosqichida ushbu region, o'quv yurtida yaxlit ta'lim jarayonini ifoda etadi. Bu yerda pedagogik texnologiya pedagogik tizimga o'xshashdir: unga o'qitishning maqsadlari, mazmuni, vosita va metodlari to'plami, faoliyat ob'ekti va sub'ekti algoritmi kiradi.

Tarix fanining metodik darajasi: Tarix fanining metodik darajasi "tarix faning metodik" ko'rinishida qo'llaniladi, ya'ni tarix fani bo'yicha, tarix o'qituvchisi doirasida o'qitish va tarbiyalash ma'lum mazmunini amalga oshirish uchun metodlar va vositalar to'plami sifatida ishlatiladi.

Lokal (modulli) darajasi: lokal texnologiya o'quv-tarbiyaviy jarayonning alohida qismlari, xususiy didaktik va tarbiyaviy masalalarni hal etish texnologiyasidan iborat (alohida turdagi faoliyat, tushunchalar shakllantirish, alohida shaxsiy sifatlarni tarbiyalash, dars texnologiyasi, materiallarni takrorlash va tekshirish texnologiyasi, mustaqil ishlar texnologiyasi va boshqalar).

Biz innovatsion yechimlar izlaganimizda Interfaol usullarga ko'plab marotaba murojaat qilamiz. Shundan kelib chiqqan holda Interfaol usullarning maqsad va vazifalarini quyidagicha ifodalash mumkin:

-ta`lim oluvchilarni erkin, mustaqil, tanqidiy, tahliliy mantiqiy, ijodiy fikirlashga va ular asosida to`g`ri qarorlar qabul qilishga o`rgatish;

-bilim oluvchilarni muammoli vaziyatlardan qiynalmay chiqqan olishga, nazariy va amaliy hamda kasbiy (hayotiy) topshiriqlarni bajarishni uddalashga o`rgatish;

-o`quvchilarni fikrlashga undash orqali, ularni izlanishga va ijodkorlikka yo`naltirish;

-ta`lim oluvchidagi hamkorlikning samarali yo`llarini va kasbiy bilim, ko`nikma hamda malakalarini egallashga bo`lgan xatti-harakatlarini faollashtirish;

- ta`lim oluvchilarni tashkilotchilik, boshqaruvchilik (rahbarlik) ka undash.

Interfaol usullardan foydalanishning maqsad va vazifalaridan kelib chiqqan holda, quyidagi vositalardan foydalanish mumkin:

- kasbiy didaktik o`yinlar;
- rolli o`yinlar;
- kasbiy kompyuterli o`yinlar;
- interfaol o`quv adabiyotlari;
- axborot kommunikatsiya;
- metodik ko`rgazma.

Ushbu usulblarning samaradorligi albatta pedagog va o`quvchi o`rtasidagi muloqot va muloqot vositlariga ham bog`liq.

XULOSA. Xulosa qilib aytganda, tarix fanini o`qitishning innovatsion usullari va texnologiyalari ayni vaqtda ta`limning rivojlanishiga va o`quvchini yoki talabaning tarix fanini o`zlashtirish darajasini osonlashtirish, tezlashtirish hamda samarador qilishga, shuningdek, bir vaqtning o`zida oldinga qo`yilgan ta`limiy maqsadlarga yetishga zamin yaratadi. Bunda dars jarayonida bu kabi usullarni tizimli ravishda qo`llash oxir-oqibatda bo`lajak pedagoglar va o`quvchi yoshlarda tarix fanini o`rganish uchun psixologik rag`bat beradi. Bu jarayon ta`lim sifatiga o`z tasirini o`tkazmay qolmaydi.

#### ADABIYOTLAR RO`YXATI

1. Ishmuhamedov R. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta`lim samaradorligini oshirish yo`llari. - T., Nizomiy nomidagi TDPU, 2009.

2. Беспалько, В.П. Слагаемые педагогических технологий. - М: 1989. - 192 с

3. A.Abduqodirov, R.Ishmuhammedov. "Ta`limda innovatsion texnologiyalar" T.:2008

4. O`quv jarayonida ilg`or pedagogik va axborot texnologiyalarini qo`llash yo`llari. - T.: TDIU, 2005. 60-bet.

5. Ya.A.Komenskiy. Buyuk didaktika. O`qituvchi nashriyoti, 1975. 134-bet

6. A.T. Teshayev, O.Boboqulov. Yangi usul maktablarida diniy va dunyoviy fanlarning o`qitilishi (Is`hoqxon Ibrat va munavvarqori tashkil etgan maktablar misolida). scientific progress. VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021 ISSN: 2181-1601. 276-283-b

7. A.T. Teshayev, O.Boboqulov. Turkistonda yangi usul maktablarining faoliyati (XIX asr oxiri-XX asr boshlari) scientific progress. VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021 ISSN: 2181-1601. 269-275-b

## **ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БЕНАЗИР СИЙМО (Атоқли давлат ва жамоат арбоби Назир Ражабов сиёсий фаолиятига чизгилар)**

*Қахрамон Ражабов,  
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ФА Тарих институти  
бош илмий ходими*

*Аннотация: Мақолада Ўзбекистоннинг таниқли давлат ва сиёсат арбоби Назир Ражабов ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритилади. Мақола оғзаки тарих маълумотлари ҳамда даврий матбуот материаллари асосида ёзилган бўлиб, унда сиёсий арбоб фаолиятининг муҳим жиҳатлари тадқиқ этилади.*

*Калит сўзлар: сиёсий раҳбар, обком секретари, министр, Марказий Қўмита, порахўрлик, қайта қуриш, ошкоралик, демократия, халқ депутати, катагон, мустақиллик.*

## **ВЫДАЮЩИЕСЯ ЛИЧНОСТЬ. В УЗБЕКИСТАНЕ (Политическая карьера Назира Раджабова, выдающегося государственного и общественного деятеля)**

*Аннотация: В статье подробно проанализирована жизнь и политическая карьера Назира Раджабова, выдающегося государственного и общественного деятеля в Узбекистане. Статья использует комплексное сочетание устных исторических свидетельств и материалов современных СМИ, для исследования ключевых аспектов политических деятельностей Раджабова.*

*Ключевые слова: политический лидер, секретарь обкома, министр, Центральный Комитет, взяточничество, реформы, давление, демократия, народный депутат, репрессии, независимость.*

## **BENAZIR SIYMO IN UZBEKISTAN (The Political Career of Nazir Rajabov, a Prominent State and Community Figure)**

*Annotation: This article provides a detailed analysis of the life and political career of Nazir Rajabov, a prominent state and community figure in Uzbekistan. The article draws on a combination of oral historical accounts and contemporary media materials to explore the key aspects of Rajabov's political activities.*

*Keywords: political leader, secretary obkom, minister, Central Committee, bribery, reform, oppression, democracy, people's deputy, repression, independence.*

Ўзбекистоннинг қадимий ва табаррук гўшаларидан бири Бухоро саналади. Бухоро вилоятдан, хусусан, унинг ўзидек кўхна ва муқаддас Шофиркон туманидан (қадимий Вардонзе худудидан) кўплаб машҳур кишилар чиққан. Бу табаррук тупрокда туғилган олим ва шоирлар, ёзувчилар ва санъаткорлар, давлат ва сиёсат арбоблари силсиласида шундай бир беназир зот борки, бундай инсон ҳар бир халқ тарихида камида ҳар эллик – юз йилда бир марта туғиладиган ҳамда тарихнинг бурилиш даври ва миллатнинг оғир дамларида унга ҳамдард ва йўлбошчи бўладиган арбоб саналади. Аср одами (академик Тўра Мирзаев ибораси), XX аср иккинчи ярмида Ўзбекистон халқ хўжалиги тараққиётида чуқур из қолдирган, сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларда фаол қатнашган, таниқли сиёсат ва давлат арбоби Назир Ражабович Ражабовнинг жўшқин фаолияти ҳамда мураккаб тақдири Ўзбекистоннинг янги ва энг янги тарихида ноёб ҳодиса ҳисобланади .

Назир Ражабов феномени энг аввало ақл-идрок, юксак маънавий салоҳият

ва эътиқод ҳамда тангилик ва беназир раҳбар тимсолидир. “Шухрат – офат келтирар” деган гап бежиз айтилмаган экан. Шухратми, тухматми, хусуматми – нимадан туғилган бўлмасин, кулфату офатларни Назир Ражабов мардонавор енгиб ўтди. Чунки унинг сабр-бардоши, матонат ва чидами илм ва тафаккур, ҳақиқат ва одилликка таянган. Илм-фан ва адабиётни у қандай яхши кўрса, тарих, фалсафа, сиёсат, меъморчилик билан ҳам шундай қизиққан.

Назир Ражабов 1939 йил 9 майда Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги Талисафед қишлоқ совети ҳудудидаги Шўробод қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. Унинг отаси Ражаб Бобокалонов (1903 – 1989) нафақат Шофирконда, балки Бухорода ҳам Калонбобо деб ном қозонган эди. Унинг онаси Ҳабиба ая (1912 – 2005) мушфиқ ва мунис аёлларимиз тимсоли бўлган. Ота-она 9 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказдилар. Назир оилада тўртинчи фарзанд бўлган. Унинг Муборак ва Шамсия номли 2 нафар опаси ҳамда Наим исмли укаси ва Амина номли синглиси бўлган. Ёш Назир туман марказидаги Шота Руставели номли ўн йиллик мактабни 1956 йили битирди ва ўша йили Тошкентга олий ўқув юртига кириш учун жўнаб кетди. Мактабда унга Ж.Тўраев (математик), Н.Шодиев (физик), М.Мухторов (адабиётчи), Р.Отамуродов (тарихчи) каби ўқитувчилар дарс беришган, таълим ва тарбияни ўргатишган. Орадан ўн йиллар ўтгач, мен ўқиган Саврак ва Боғиқал қишлоқларидаги Свердлов ва Ойбек номли мактабларда ҳам бу домлаларнинг айримлари ишлашган, уларнинг баъзи сабоқларини эшитиш каминага ҳам насиб этган. Бу муаллимларнинг айримларига мен ҳам ҳамқишлоқ ва қўшни бўлганман.

Назир Ражабов Тошкентдаги Ўрта Осиё политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)нинг механика факультетини 1961 йилда тугатди. У институтда кейинчалик катта давлат арбоби ва сиёсатчилар бўлиб етишган Ислон Абдуғаниевич Каримов (Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти) ва Раҳим Ражабович Ражабов (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат котиби ҳамда Тошкент шаҳридаги Алгоритм заводи ва мавзеси ташкилотчиси) билан биргаликда ўқиган. Бухоро ва самарқандлик бу уч нафар ёш йигитлар институтни 1960 – 1961 йилларда тугатишди, ҳатто улар ётоқхонада битта хонада туришган. Талабалик йилларидаги дўстлик, ўзаро тортишув ва баҳслар кейинчалик ҳам давом этди...

Назир Ражабов ҳаёти, ижтимоий ва сиёсий фаолиятининг муҳим жиҳатлари:

- Қозғоғистоннинг Целиноград (ҳозирги Нур-Султон) шаҳридаги “Казахсельмаш” заводи ҳузуридаги бош конструкторлик бюросида инженер-конструктор, етакчи конструктор, гуруҳ бошлиғи (1961 – 1964);
- Ўзбекистон Қурилиш министрлиги қошидаги “Главстройиндустрия”да бош конструктор, конструкторлик бюроси бошлиғи ўринбосари (1964 – 1966);
- Бухородаги Қуйимозор [Куюкмозор] қурилиш материаллари заводи директори (1966 – 1968);
- “Главстройиндустрия” Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари (1968);
- “Ўзбекнорудаматериаллар” трестининг бошлиғи (1968 – 1970);
- Бухородаги 163-қурилиш трести бошлиғи (1970 – 1975; 1991 – 1993);
- Бухоро вилояти партия комитетининг саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари бўйича секретари (1975 – 1977);
- Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қурилиш ва шаҳар хўжалиғи бўлими мудири (1977 – 1979);
- Ўзбекистон Қишлоқ қурилиш министри; Қурилиш министри (1979 – 1984);
- Наманган вилоят партия комитетининг биринчи секретари (1984 – 1987);
- Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи секретари (1987 – 1988);

- Ўзбекистон Қурилиш комитети раисининг биринчи ўринбосари (1990 – 1991).

Мазкур қисқа рўйхатдан кўриниб турибдики, Назир Ражабов институтни тугатгач, аввал Қозоғистонда, сўнгра Ўзбекистоннинг турли вилоятлари ва Тошкент шаҳрида халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларида ишлади. У 36 ёшида обком секретари, 38 ёшида Марказий Комитетда бўлим мудирини, 40 ёшида министр, 45 ёшида обкомнинг биринчи секретари каби масъул лавозимларда самарали фаолият кўрсатди.

Назир Ражабов талантли конструктор ва билимдон меъмор ҳамда машҳур қурувчи сифатида Ўзбекистонда замонавий саноат объектлари қурилишига бош бўлди, у кўплаб ихтиролар муаллифи саналади. Н.Ражабов халқнинг меҳр-муҳаббати ва эҳтиромига сазовор бўлган оз сонли раҳбарлардан бири сифатида Ўзбекистон тарихида ўзидан ўчмас из қолдирди.

Н.Ражабовнинг моҳир раҳбар ва лидер бўлиб етишишида энг аввало Бухоро вилояти партия комитети биринчи секретари Қаюм Муртазаев ҳамда ўша пайтда Ўзбекистоннинг биринчи сиёсий раҳбари бўлган Шароф Рашидовнинг хизматлари катта бўлди. Назир ака Шароф Рашидовнинг шогирди ва сафдошларидан бири сифатида XX аср 60-80-йилларида раҳбарлик маҳорати ва бошқарув илмининг жуда кўп жиҳатларини пухта ўрганди. Шароф Рашидов айрим ҳозирги раҳбарлардан фарқли равишда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда моҳир бўлиб, бу соҳада унинг меҳри ҳам, қаҳри ҳам бўлакча бўлган. Айнан шунинг учун Ўзбекистон Шароф Рашидов раҳбарлик қилган чорак асрда катта ютуқларга эришди. Бу даврда ўзбек халқи турмуши яхшиланди, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Юрт фидойиси ва эл фарзанди бўлган Назир Ражабов Ўзбекистонда катта бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Хусусан, унинг Бухородаги бунёдкорлик фаолияти алоҳида тадқиқот мавзуи саналади. Республика раҳбарияти бу пайтда Н.Ражабовни доимий равишда энг қолоқ ва мураккаб бўлган турли соҳаларга раҳбарлик лавозимларига жўнатар, у эса қисқа муддат ичида бу тармоқ соҳаси ёки корхоналарни илғорлар қаторига кўтарар эди. Ражабовча иш услуби ўша пайтда нафақат Ўзбекистонда, балки ундан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Бухородаги 163-қурилиш трести унинг раҳбарлигида ўз даврида турдош корхоналар ўртасида Иттифокда энг йирик Бухоро ип-газлама комбинати қурилишини қисқа муддатда амалга оширишди. Комбинатнинг биринчи навбати 1973 йилда ишга туширилди. (Қурилиш 1970 йилда бошланган эди.) Стратегик аҳамиятга эга бу қурилиш ўз муддатида қурилганлиги учун Назир Ражабов 1974 йили фан ва техника соҳасида СССР Давлат мукофотига ҳамда 1977 йили Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлади.

Назир Ражабов даврдан ўзиб яшаш, ишлаш ва фикрлаш, кўркмаслик ва дадиллик, муносиб кадрларга жасорат билан қалқон бўла олиш намунасини кўрсатди, фақат пахтачилик эмас, балки Ўзбекистонда халқ хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ривожлантириш дастурини ҳамда дадил ғояларни илғари сурди. Бу ҳолат, хусусан, қайта қуриш йилларида, у 1984 – 1988 йилларда қарийб 5 йил давомида Наманган ва Самарқанд вилоятлари партия комитетларининг биринчи секретари лавозимида ишлаган вақтларида яққол намоён бўлди. Ундаги зукколик, донолик ва ташкилотчилик қобилияти таҳсинга сазовор эди.

Назир Ражабовнинг иш фаолияти ва раҳбарлик услуби тўғрисида марказий матбуот (“Правда”, “Известия” ва б.)да кўплаб ижобий мақолалар босила бошланди. Республика матбуоти бундай мақолаларни кўчириб ёки ўзбекчага таржима қилиб босиши шарт бўлса ҳам кўпинча “кўринмас кўллар” бу мақолаларни тўхтатиб қўярди. Назир Ражабовдаги дадиллик ва қатъият, инсонларга ғамхўрлик, адолат принципи, пахта йиғим-теримида талаба ва

ўқувчиларни жалб қилмаслик, коррупция, порахўрлик ва қўшиб ёзиш ҳамда кўзбўямачиликка нисбатан қаттиқ кураш ўша йилларда нафақат Ўзбекистон раҳбариятини, балки Марказ сиёсий раҳбарияти ва Кремль раҳнамоларини ҳам ташвишлантириб қўйди. Н.Ражабов Наманган вилоятига раҳбарлик қилган 1984 – 1987 йилларда у вилоят аҳолисининг меҳрини шу даражада қозондики, сўнгги 100 йилликда Наманган тарихида бундай воқеа мутлақо кузатилмаган. У вилоятда ўн йиллар давомида “қонун ҳимояси”да бўлган “моҳир пахтакор ва илғор ташкилотчи” Аҳмаджон Одилов ва гуруҳининг баъзи жиноий ҳаракатларига чек қўйди. Вилоятда ижтимоий адолат тикланди, наманганликлар қўрқув ва хавотирни унутиб, эркин нафас олишди. Ҳозирги кунгача қўплаб наманганликлар Назир Ражабов билан мустаҳкам алоқаларни тутиб турибдилар. Уларнинг хотиралари алоҳида китоб мавзуси...

И.Каримов сиёсий раҳбарлигининг дастлабки даврида унинг командасида бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат Котиби лавозимида атиги 8 ойча қисқа муддат давомида фаолият кўрсатган (бу лавозим 1992 йил декабрда тугатилди) Раҳим Ражабовнинг хотирлашича, 1987 йил охири ва 1988 йил бошларида на республика аҳолисининг, на Марказнинг талабларига жавоб бермай қолган Иномжон Усмонхўжаев ўрнига Назир Ражабов номзоди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари лавозимида тавсия қилинган. Назир Ражабов билан Москвада КПСС МК Бош секретари Михаил Горбачёвнинг шахсан ўзи бу хусусда бир неча марта суҳбатлашган. Бироқ бу суҳбатда Назир Ражабов мабодо Ўзбекистонга биринчи секретарь бўлса, ўзи қиладиган ишларни очиқ айтгач, яъни Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлаш вазифасини ўз ҳаётий йўлининг мақсади эканлигини эътироф этгач, кейинчалик Горбачёв уни бу лавозимга тайинлашга қўрқди. Чунки Москвага Назир Ражабовдек ўз халқига содиқ хизмат қиладиган раҳбарлар керак эмас эди.

Тарихдан маълумки, 1988 йил 12 январда Ўзбекистон коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб Рафиқ Нишонов сайланди. Рафиқ Нишоновнинг ўша пайтлар Тошкентда, 1989 – 1991 йилларда Москвада қандай “хунарлар” кўрсатганлиги барчага маълум. Москвада КПССнинг Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси ўтаётган 1988 йил қайноқ ёзида (28 июнь – 1 июль кунлари) бир воқеа юз беган.

Бутуниттифоқ партия конференцияси ўтаётган кунларда Самарқанд область партия комитети биринчи секретари Назир Ражабовга унинг талабалик курсдоши, Қашқадарё область партия комитети биринчи секретари Ислон Каримов мажлис танаффусларидан бирида қўйидагича мурожаат қилган: “Назир, сени табриклайман! Горбачёв суҳбатидан ўтиб, Ўзбекистонга биринчи секретарь бўлаётган эмишсан. Мени республика премьер-министри қилиб оласанми?” Гувоҳларнинг тасдиқлашларича, И.Каримовни ўсмирлиги ва ёшлигидан яхши билган ҳамда унинг сиёсий ҳокимияти оқибатларини олдиндан қўра олган Назир Ражабов унга қўйидагича кескин жавоб берган экан: “Мен сендай карьерист одам билан ҳеч қачон бирга ишламайман!”

Бу сўзлар жаранлаган 1988 йил июнидан кейин кўп ўтмай Н.Ражабов атрофини турли шубҳали кишилар ўраб олди. Унга гоҳ зимдан, гоҳ ошкора равишда турли тухматлар қилиш бошланди. Москвадан Ўзбекистонга махсус юборилган Т.Гдлян ва В.Иванов бошчилигидаги терговчилар гуруҳи “ўзбеклар иши” доирасига Назир Ражабовни ҳам тортиш учун барча жирканч ишларни амалга оширди. Бу фитнага ўша пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари бўлган Рафиқ Нишонов бошчилик қилади. Чунки у Н.Ражабов сингари миллий кадрларни турли бўҳтонлар билан вазифасидан олиб, уларни четлатмаса тез орада у эгаллаган биринчи котиблик курсисига улар келиши мумкин эди.

1988 йил 19 октябрда Тошкентда бўлган Ўзбекистон Компартияси



Марказий Комитети бюроси мажлисида биринчи секретарь Рафиқ Нишонов Ўзбекистондаги иккита йирик вилоятлар партия ташкилотларининг раҳбарлари бўлган Назир Ражабов (Самарқанд вилояти партия комитети биринчи секретари) ва Исмоил Жабборов (Бухоро вилояти партия комитети биринчи секретари)ни ноҳақ равишда порахўрликда айблади. Улар ўз лавозимларидан озод қилиниб, партиядан ўчирилади. Бюро мажлисидан эзилган ва нохуш кайфиятда чиққан Н.Ражабов ва И.Жабборов Тошкент кўчаларида алоҳида гуруҳ аъзолари томонидан қўлга олинди, махсус самолёт билан Москвага келтирилади. Улар СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари бўлишса ҳам, совет режими депутат дахлсизлиги мақомига риоя қилмади. Шу тариқа Р.Нишонов томонидан Шароф Рашидовнинг муносиб шогирдларидан бири, кўпчилик Ўзбекистоннинг бўлғуси биринчи раҳбари деб қараётган Назир Ражабов илк марта сиёсий майдондан четлаштирилди.

Н.Ражабов 9 ой давомида (1988 йил 19 октябрь – 1989 йил 19 июль) Москвадаги Матросская тишина ва Бутирка қамоқхоналарида сақланди. Унга Гдлян томонидан тухмат қилиниб, “пора олиш ва бериш” каби сохта айблар кўйилди.

Назир Ражабов ва Исмоил Жабборов қамоққа олинганлиги ҳақидаги хабарни мен “Маяк” радиостанцияси янгиликларида “Москва – Тошкент” поездида Тошкентга қайтаётганимда йўлда эшитдим. Ўша пайтда Тошкент давлат университети тарих факультети КПСС тарихи бўлимининг сўнгги V курс талабаси бўлган камина Москвадан қайтаётган эдим. Мен Орол денгизи тақдири масаласида КПСС МК Бош секретари М.Горбачёвга мурожаат қилиш учун Кремлга борган эдим. Бу хабар мени қаттиқ ларзага солди. Поезд қайсидир шаҳардаги бекатда тўхтаганда мен олиб чиққан “Правда” газетасининг 20 ёки 21 октябрь сониди ҳам бу дахшатли хабар босилган эди. Ўша пайтда 26 яшар талаба ва комсомол йигит бўлган камина учун фамилиядошим Назир ака замонамиз сиёсий раҳбарларининг идеал тимсоли, биллурдек пок инсон, ўтюррак коммунист, яъни партия аъзоси эди. Наҳотки, совет давлати ва халқига фидокорона хизмат қилаётган, турли порахўр ва жиноятчиларни жазолаган, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатишга интилаётган ҳамюртим, ажойиб инсон ва сиёсий йўлбошчи порахўр бўлса?! Мен ўша поезднинг ичида ҳам бир лаҳза бўлсин Назир Ражабовнинг жиноятчи эканлигига ишонмаганман. Мана шу воқеа ҳамда 1988 йил октябрда мен Москва ва Кавказда кўрган воқеалар айнан менинг сиёсий дунёқарашим ва ҳаёт йўлимни белгилади. КПСС тарихи ихтисослиги бўйича бўлғуси мутахассис ва сиёсий партия ходими бўладиган мен ўзим яшаётган Совет Иттифоқи деган улкан мамлакат сиёсий раҳбариятидан ҳам, унинг раҳбар ва раҳнамо кучи бўлган коммунистик партиядан ҳам ҳафсалам пир бўлишига олиб келди. 1989 йил ёзида бўлган сиёсий воқеалар эса узил-кесил равишда мени сохта коммунистик ғоялардан демократик йўлга қайтишимга, Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари учун имконият даражасида иш юритишимга сабаб бўлди. Орадан ўтган 35 йил давомида мен ўз демократик тамойилларимга содиқ қолдим. Бунда айнан Назир Ражабов фаолияти, унинг мураккаб тақдири ва кечмиши менга намуна бўлиб хизмат қилди...

Назир Ражабовнинг рафиқаси Қундуз Ражабова ўша мудҳиш кунларни хотирлар экан, тухмат билан қамалган Назир Ражабовни қамоқдан озод қилиш учун СССР халқ депутатлари бўлган ўзбек зиёлиларидан ёзувчи Одил Ёқубов, академик Эркин Юсупов, журналист Аҳмаджон Мухторов ва бошқалар унга турли йўл-йўриқлар кўрсатиб, 20 нафар депутатнинг имзоси остида махсус хат билан СССР Бош прокуратурасига киришни ҳамда СССР Халқ депутатлари съездига мурожаат қилишни тайинлашади. Бироқ бу пайтда Ўзбекистон сиёсий раҳбариятидан ҳеч ким Назир Ражабовнинг тақдири билан қизиқмайди. Чунки бу пайтда Гдлян ва Иванов гуруҳи Ўзбекистонда И.Усмонхўжаев, О.Салимов, Р.Абдуллаева ва бошқа биринчи раҳбарлардан тортиб кўпчиликни қамоққа

олган, “пахта иши”ни “Ўзбеклар иши” сифатида кўрсатишаётган, республика сиёсий ҳаётида Р.Нишонов ва унинг югурдаклари ҳукмрон бўлган оғир ва даҳшатли йиллар эди.

Бироқ халқимиз айтганидек, ҳақиқат эгилса ҳам, букилса ҳам синмади, адолат тантана қилди. Назир Ражабов қамоқхонада 50 ёшини “нишонлаб”, тергов жараёнининг ўзида айби бўлмаганлиги сабабли 1989 йил 19 июлда озод қилинди. Совет Иттифоқи Бош прокуратураси 1989 йил 29 декабрда унинг жиноий ишини асосиз деб топиб, барча ҳуқуқлари тикланишини маълум қилди ва ундан кечирим сўради. “Правда” газетасида 1990 йил 1 февралда журналист В.Артеменконинг бу ҳақда “Айбсиз, аммо...” деган махсус мақоласи чоп этилди.

Назир Ражабов 1989 йил ёзида Тошкентга қайтди. Бироқ республиканинг янги сиёсий раҳбарияти (у қамоқдан озод қилинишидан бир ой муқаддам Москвага ишга ўтган Рафиқ Нишонов ўрнига Ислон Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланган эди), ҳолбуки, янги биринчи секретарь Н.Ражабовнинг талабаликдаги курсдоши ва тенгдоши бўлса ҳам унинг сиёсий майдонга қайтишига рўйхушлик бермади. Иттифок прокуратурасининг расмий қароридаги айрим бандлар ҳам бажарилмади. У ўзининг аввалги лавозимига қайта тикланмади. Лўнда қилиб айтганда, Назир Ражабовдан нафақат Ўзбекистоннинг эски раҳбарияти, балки мустақиллик арафаси ва мустақилликнинг дастлабки йилларидаги янги сиёсий раҳбарияти ҳам қаттиқ чўчиб қолган эди. Чунки Назир аканинг зуваласи пишиқ қорилган ҳамда нафси тўқ бўлиб, у ҳалол, виждонли, принципиал ва халқпарвар раҳбарлар сирасига кирган. Афсуски, XX асрда Ўзбекистонда бундай сиёсий етакчилар жуда оз бўлган, улар ҳатто битта кўлнинг бармоқлари билан санарли даражада ҳам кам эди. Файзулла Хўжаев, Усмон Юсупов, Нуриддин Муҳитдинов, Шароф Рашидов... Яна борми?! Марҳамат, айтинг. Мен тарихчи сифатида бошқа бундай лидерларни билмайман...

Тарихдан маълумки, 1990 йил 18 февралда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий советларга депутатлар сайланган кун бўлди. Ўзбекистонда сайлов тизимини демократиялаштириш мақсадида республика Олий Советига кўп мандатли округлар бўйича эксперимент сифатида сайлов ўтказилди. Бухороликлар ўз ўғлонларини (бу пайтда Назир Ражабов айна куч-ғайратга тўла, ҳали 51 ёшни ҳам тўлдирмаган паҳлавонкелбат инсон эди) Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатганларида Тошкентда фаолият кўрсатаётган Марказий сайлов комиссияси бир қалқиб тушди. Назир Ражабовнинг Бухоро шаҳрида асосий рақобатчиси Бухоро давлат педагогика институти ректори, тарих фанлари доктори, профессор Фарҳод Қосимов бўлди. Тошкентдаги расмийлар исёнкор талабалар сиёсий қувғиндаги шахсга эмас, балки севимли ректорлари бўлган таниқли тарихчи олимга овоз беради, деб қаттиқ ишонган эдилар. Бухородаги расмий ҳокимият томонидан бутун куч ва эътибор, тарғибот ва ташвиқот эндиликда Марказнинг буйруғи билан (бу гал Марказ ролини Москва эмас, Тошкент бажарди) тарихчи олимни халқ депутати қилишга қаратилди. Бироқ бутун мамлакатда илк марта ўтказилган кўп босқичли ва кўп мандатли сайловда Назир Ражабов Бухорода учинчи турдан сўнг ғалаба қозонди...

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач ҳам, Назир Ражабов ўз салоҳияти ва даражасига мос иш билан таъминланмади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов талабалик дўсти Назир Ражабовга (ва яна бошқа ўнлаб қобилиятли раҳбар ходимларга ҳам!) сафдош ва ҳамкор сифатида эмас, балки рақиб ва ғоявий муҳолиф сифатида қаради. Тошкентдан Бухорога фахрий бадарға қилинган Н.Ражабов 1991 – 1993 йилларда аввал ўзи ишлаган 163-қурилиш трестини бошқарди. Бироқ бу даврда, айнан жаҳон харитасида мустақил бўлган ёш Ўзбекистон давлатининг сиёсий ва ҳуқуқий асослари яратилаётган даврда Назир Ражабовга нисбатан

турли таҳдидлар кучайди. Унинг фаолияти ва шахсий ҳаёти Каримов режими томонидан назорат остига олинди. 1993 йил декабрда Назир Ражабов Ўзбекистон халқ депутати бўлишига қарамасдан 2 ҳафта давомида мутлақо айбсиз ҳолатда қамокда сақланди. Бу ҳақда ушбу сатрлар муаллифи Н.Ражабовнинг ўзидан ҳам, унинг яқин дўстларидан ҳам сўнгги ўн йиллар мобайнида кўп маълумотларни эшитган ва улар тарихчининг шахсий архивида сақланади.

Нихоят, Ўзбекистондаги сиёсат майдонидан бу гал иккинчи марта Ислом Каримов томонидан четлаштирилган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутати Назир Ражабовга ўз туғилган юртида яшаш хавфи бўлиб қолди. У депутатлик мандатини топширишга мажбур бўлгач, 1994 – 1997 йилларда Москва шаҳрида яшаб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланди.

Хуллас, Назир Ражабов тадбиркор ва меценат бўлгач, сиёсат билан шуғулланишни тўхтатди. Бунинг эвазига у ва оила аъзолари Тошкент шаҳрида тинч ва хотиржам ҳаёт кечириш ва яшаш ҳуқуқини қўлга киритишди. Назир Ражабов 1997 йил баҳорида Москвадан Тошкентга қайтди ва тадбиркорлик фаолиятини ўз юртида давом эттирди...

Мен яқин чорак аср давомида Назир ака билан у кишининг Тошкент шаҳри ҳамда Дўрмонда жойлашган хонадонларида кўп марта суҳбат қурганман. Бизнинг биринчи учрашувимиз “Тошкент” меҳмонхонаси олдидаги кафедра бўлган эди. Назир Ражабовнинг гурунглари, ўзаро мулоқотларни мен ҳеч нарсага алишмайман. Бу суҳбатларда сўз кўпроқ ўзбек халқининг яқин ўтмиш тарихи, совет ҳокимияти йилларида биз қўлга киритган ютуқлар ва йўқотган кадрларимиз, миллий арбоблар фаолияти, адабиёт ва санъат тўғрисида борган. Мен кўп қисташимга қарамай Назир Ражабов ўз хотираларини ёзишлари кераклиги фикримга ёки диктофонга ёзиб олишимга розилик бермаганлар. Бироқ ўзаро суҳбатлар асносида мен кўп нарсаларни қоғозга туширганман. Мазкур мақолани ёзишда ўша суҳбатлар ҳам қўл келди.

2019 йил майда Назир Ражабов таваллудига 80 йил тўлди. Камтарин ва беназир Назир ака (мен ҳеч қачон у кишини бобо дея олмайман!) бу қутлуғ тўйни оила аъзолари, ўз яқинлари, дўстлари ва шогирдлари қуршовида “Саёҳат” ресторанида элга ош бериб ўтказдилар. Ўша куни Назир Ражабов ҳақида тайёрланган ҳамда “Тафаккур” нашриётида чоп этилган “Ҳаёт ва ирода” китоби тўпланганларга тақдим этилди. Бу китобда академик Тўра Мирзаев мухтасар сўзбоши ёзганлар. Ўзбекистон халқ шоирлари Жамол Камол ва Ҳабиб Саъдулла Н.Ражабовга бағишланган ўз шеърларини киритганлар. Иброҳим Ҳаққулнинг “Қалб ва қисмат” эссеси ҳамда бошқа таниқли инсонларнинг дил сўзлари китобнинг салмоқли саҳифаларини ташкил қилади. Каминанинг 2021 йилнинг Наврўз кунини эса бу буюк инсонга бағишланган “Назир Ражабов” китоби нашр этилди.

Адабиётлар

Ҳаёт ва ирода [Назир Ражабов ҳақида мажмуа]. Масъул муҳаррир: Иброҳим Ҳаққул. –Тошкент: “Тафаккур”, 2019.

Ражабов Қ. Назир Ражабов. – Тошкент: Vodomzor invest, 2021. – Б.24.

Мирзаев Т. Эл ва юрт фарзанди //Ҳаёт ва ирода [Назир Ражабов ҳақида мажмуа]. Масъул муҳаррир: Иброҳим Ҳаққул. –Тошкент: “Тафаккур”, 2019. –Б. 4.

Қаранг: Ражабов Қ., Бобомуродов К. Шофиркон тумани тарихи. –Тошкент: “Tafakkur”, 2015. –Б. 70 – 71; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. –Тошкент: “Tafakkur”, 2016. –Б. 312 – 313.

Артеменко В. “Не виновен...”//”Правда” (Москва), № 32. 1 феврал 1990 г.